



Мадина ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ҲАНАФИЙ ОЛИМ ТАҚИЮДДИН МИСРИЙ ВА УНИНГ «ТАБАҚОТ АС-САНИЙЯ» АСАРИ

Биобиблиографик адабиётларнинг басосий вазифаси ҳар бир олимнинг биографик ва библиографик маълумотларини тақдим этишдан иборат. Асарга киритилган биобиблиографик маълумотлар муаллифнинг таржимаи ҳоли ва илмий фаолиятига оид қисқа ва схематик тақдимотни ўз ичига олади.

Ислом тарихида ҳам биобиблиографик адабиётлар анча эрта пайдо бўлган бўлиб, ушбу жанрдаги асарларга “табақот”, деб ном берилган. Илмий адабиётларда табақотга турли таърифлар берилган:

- Табақот – таниқли одамлар (масалан, олимлар, шоирлар ва бошқалар) яшаган асрга мувофиқ ташкил этилган мусулмон биографик адабиётнинг бир тури.

Табақот “қатлам”, “авлод”, “даража”, деган маънони англатиб, маълум бир вақт оралиғида яшаган шахслар, “авлодлар таржимаи ҳоли”га айтилади. Араб тарихшунослигида табақот биографик жанрнинг махсус тармоғини ташкил этиб, унда манба хронологик тартибда, авлодлар бўйича, энг дастлабкидан тортиб то сўнггисигача (аввалда Муҳаммад (с.а.в.) нинг сафдошлари саҳобийлар, сўнг уларнинг шогирдлари жойлаштирилган. Регионал тамойилга ҳам риоя қилинган – шаҳарлар, алоҳида мавзелар ва Халифаликнинг вилоятлари бўйича тақсимланган. Табақот

адабиёти ҳадис илми эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У исноднинг ҳаққонийлик даражасини аниқлашда маълумотнома ролини ўйнаган. Бизгача табақот туридаги етиб келган энг илк асар Ибн Саъд (784 – 845)нинг “Китоб ат-табақот ал-кабир”идир. Асарда ҳадис ривоят қилган 4250 шахснинг таржимаи ҳоли келтирилган. Дастлабки табақотлар асосан ҳадис билимдонлари ва фақиҳларга аталган. Бироқ, маданий эҳтиёж ва илм-фан тараққиёти кейинчалик турли касб ва даражадаги шахсларнинг (шоирлар, адиблар, котиблар, вазирлар, тилшунослар, табиблар, донишмандлар, ваъзхонлар, корилар, фақиҳлар, суфийлар ва уларнинг авлодларини хронологик тартибдаги табақотлари пайдо бўлишига имкон берди.

Табақот тарихшунослик базасига асосланган асарлар тўплами бўлибгина қолмай, араб-ислом цивилизацияси ҳақида маълумот берувчи манба ҳамдир. Одатда, табақот адабиётида биографик маълумотлар, шахсий, диний ва интеллектуал сифатларни баҳолашга қаратилган бўлади. Манбаларда табақот жанри еттинчи аср охирларида пайдо бўлган, деган маълумотлар учрайди. Яна бир маълумотга кўра, табақот “улум ал-ҳадис” доирасига кирувчи “илм ар-рижол” фанида ровийларни аниқлаш, таснифлаш ва баҳолаш фонида пайдо

бўлиб, илк ҳадис танқидчилари даврида машҳур бўлган деб айтилади. Бунга асосланиб, табақот адабиётларини муҳаддисларга ҳадис ровийсини таснифлашда ва ўзига хос иснодларни аутентификация¹ қилишда ёрдам берган деб айта оламиз.

Биобиблиографик жанрдаги асарларга назар солар эканмиз, уларда умумий ўзига хос жиҳатларни кўришимиз мумкин, уларнинг мазмуни унда келтирилган олимнинг таржимаи ҳолига боғлиқ бўлган. Одатда табақотларда олимнинг туғилган жойи у ташриф буюрган шаҳарлар ёки қаерда фаолият олиб боргани ҳақида қисқача маълумот берилади. Илм талаби ва касб-хунар эгаллаш учун саёҳат қилиш ўша замон олимнинг вазифаларидан бири бўлган.

Бундан ташқари, мазкур асарларда келирилган олимларнинг бошқа уламолар ёки ўзларининг устозлари ва талабалари билан бўлган алоқаси ҳақида сўз юритиб, уларнинг исми ва яшаган жойлари ҳақида айтиб ўтилади.

Ислом тарихшунослиги тараққиётида “табақот ал-ҳанафиййа” жанрдаги асарлар эрта пайдо бўла бошлаган. Сақланиб қолган асарларнинг асосий қисми ҳижрий III асрнинг ўрталарига тўғри келади. Ундан аввал асосан соф исломий илмларнинг ўзига эътибор қаратилган ва олимларнинг биографияси чуқур ўрганилмаган. “Табақот ал-ҳанафиййа” жанрдаги адабиётларда асосан фақиҳларнинг биографиясига оид маълумотлар келтирилган.

Чунончи, Тақиюддин Ҳанафийнинг “Табақот ас-саниййа фий тарожим ал-ҳанафиййа” асари ҳам ҳанафий олимлари ҳақида маълумот берувчи манба бўлиб, асарда турли соҳада фаолият олиб борган ҳанафий олимлар таржимаи ҳоли баён этилган.

Тақиюддин ибн Абдулқодир Тамимий Ғаззий Ҳанафий 950/1543 йилда Усмонли турк империяси даврида Ғазода туғилиб, Қоҳирада Зайниддин Ибн Нуҷайм (970/1563) ва Нуриддин ибн Ғаним Макдисий каби олимлардан дарс олган. Илгари шофий мазҳабида бўлган ва кейинчалик ҳанафий олим сифатида фаолият юритади. Мисрда бир қанча мадрасаларда дарс беради ва 982/1574 йилда тахтга султон Маҳмуд III (982-1003/1574-1595) ўтириши билан Истанбулга келиб қози лавозимида ишлайди.

997/1589 йилларда машҳур олимларга берган раддияси туфайли Ибрим шахрига сургун

қилинади бироқ 1000/1591 йилда Мисрга яна қози лавозимига қайтади. Унинг ўлим санасини Атоуллоҳ Навизода (1045/1635) 1005/1597 йилларда, деб кўрсатади аммо Муҳаммадамин Муҳиббий (1111/1699) олимни 1010/1601 йилда вафот қилганини келтиради ва ушбу маълумот ҳақиқатга яқинроқ кўрилади. Манбаларда унинг устозлари ва шогирдлари ва ижтимоий аҳволи ҳақида маълумотлар учрамайди. Бироқ ўғлини оқ қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Тақиюддин Ҳанафий “Табақот ас-саниййа” асарида олимларнинг маълум бир соҳаларда мукамалликка эришганлиги алоҳида таъкидлаб ўтишдан қочмаган. Бу хоҳ фикҳ, ижтиҳод, араб тили, тафсир, калом ёки бошқа илм бўлса ҳам асарида келтирган олимларни қайси соҳада кучли мутахассис бўлганини бирма-бир санаган. Бу шундан далолат берадики, у олимларни жуда ҳурмат қилган ва уларнинг илмий салоҳиятини ҳақиқий, деб қабул қилган. Улар орасида Насойй, Ибн Ҳиббон, Ибн Ҳажар Асқалоний, Аҳмад ибн Ханбал ва бошқалар бор. Тақиюддин Ҳанафий ўз асарида олимларнинг ахлоқий фазилатларига қараганда илмда эришган ютуқларини кўпроқ тилга олади.

Эҳтимол, у илм йўлида аллақачон эътироф этилган ишончли инсонни ахлоқий фазилати тўғрисида кўпроқ тўхталишга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаган бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу асарда баъзи қисқа латифалар ва байтлар ҳам учрайди.

Айтиш жоизки, олим бу китобни ёзишдан кўзлаган мақсади Аллоҳнинг розилиги бўлган. Унинг қуйидаги сўзлари бунга исбот бўла олади: “Кимки икки дунёда муваффақиятга эришишни хоҳласа ундан олдин ўтган имомлар йўлидан бориши керак”. Шундай қилиб, муаллиф ҳанафий олимларини хотирасини сақлаб қолиш мақсадида, улар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган китобни ёзиш кераклигини тушунган. Ҳожи Халифа ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида “Табақот ас-саниййа” ида 2523 та олимнинг таржимаи ҳоли келтирилган, деб таъкидлайди.

Тақиюддин Ҳанафий “Табақот ас-саниййа” асарининг муқаддима қисмида 40 дан ортиқ манбалардан маълумот тўплаганини келтириб ўтади. Шунингдек, у ҳар бир тарихшунос учун керак бўлган қўникмалар хусусида тўхталиб ўтади ва асарининг бир нечта бобини ҳам

¹ Маълумотни ишончлилигини текшириш.

шунга бағишлайди. Мазкур боблар тарихни ёзиш усули, грамматика бўйича зарур билимлар ва араб тилини тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ кўрсатмалардан иборат. Муқаддиманинг охирида ушбу луғатдан фойдаланишга оид кўрсатмалар ҳам берилган.

Ушбу асарни муаллиф Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаларнинг таржимаи ҳоллари билан бошлайди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таржимаи ҳоли қисқа тахминан 30 бетдан иборат бўлиб, унда Расуллоҳнинг ахлоқлари ва мўъжизалари ҳақида сўз боради.

Эҳтимол Мисрдаги илк қозилик вақтида “Табақот ас-саниййа” асарини ёзишни бошлаган муаллиф кейинги йилларда уни такомиллаштирган. Асар усмонли турк подшоҳларидан бири бўлган Мурод III га бағишланган бўлиб, ҳанафий табақот китобларининг ичида энг тўлақонлиси ҳисобланади.

“Табақот ас-саниййа” асари кенг қамровлилиги билан бирга ҳанафий олимларининг таржимаи ҳоли тўлиқроқ берилгани билан ажралиб туради. Эътиборли жиҳати шундаки, асарда ҳанафий мазҳабига ҳимоясига қаратилган фикр ва мулоҳазалар жуда кўп. Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий асосан шофий олимларнинг ҳанафийларга қилган иддаоларига нисбатан раддиялар берган. Бу эса унинг илгари шофий мазҳабида бўлгани ва мазкур мазҳаб тарафдорларини ҳам яхши тушунганидан далолат беради.

Тақиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафийнинг асарида ўзига қаратилган танқидларга жавоб бериш асносида шубҳасиз Абу Ҳанифа (150/769) ни ҳам танқидлардан оқлашга ҳаракат қилган. Шу сабабдан ўз асарида Абу Ҳанифа (150/769) нинг таржимаи ҳолини келтириб мазҳаббошига қилинган эътиқодий ва фикҳий танқидларга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилган.

Абу Ҳанифанинг арабча билмаслиги ва бошқа мазҳаб имомларига қараганда камроқ ҳадис ривоят қилганини даъво қилганларга қарата у мазҳаббошининг муҳаддис сифатида эмас фақат ёдлаган ҳадисларидан ҳукм чиқарган олим сифатида камроқ ҳадис ривоят қилганини таъкидлаган. Бу ҳолатни у Расулulloҳ (с.а.в.)га яқин бўлган “хулафои рошидун” ва Абдуллоҳ ибн Масъуд каби фақиҳ саҳобаларни ҳолатига ўхшатган. Мазкур саҳобалар ҳам Пайғамбарга

яқин бўлишига қарамасдан жуда оз ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Ҳанифанинг араб эмаслигини эътироф этиб уни камситмоқчи бўлган кимсаларга нисбатан илмнинг шарафи насабдан устун эканлигини ва такводор инсонлар кадрлироқ эканини таъкидлаган.

Абу Ҳанифанинг таржимаи ҳоли учун 96 бет ажратилган ва олим ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олинган, айниқса, икки жиҳатга урғу берилган. Биринчи жиҳати Абу Ҳанифанинг илми ва шарафини ҳимоя қилиш, иккинчиси унга ва мазҳабга йўналтирилган танқидларга раддия бериш. Асарда олимларнинг таржимаи ҳоллари алифбо тартибида берилган ва муаллиф уларнинг исмларини аниқ ва тўлиқ берган. Аммо, олимнинг тўлиқ исми номаълум бўлса ёки у таҳаллус ва бошқа ном билан танилган бўлса, бундай олим китобнинг охирида махсус бўлимларда қайд этилган. Бир олим ҳақидаги энг кам маълумот битта ёки иккита қисқа жумладан иборат бўлган, баъзи олимлар эса ўндан ортиқ саҳифада ёритилган.

Бундан ташқари, асарда қисқа латифалар ҳам мавжуд. Бу катта эҳтимол билан Тақиюддин Ҳанафийнинг биографик луғатида маноқиб асарлари таъсири борлигини кўрсатади. Шунингдек, у шеър ва байтлардан кўплаб иқтибослар келтирган. Шеър ва байтлар баъзи ўринларда катта ҳажмли бўлиб, номи келтирилаётган олимнинг фазилатларига бағишланган. Асарда олимларнинг ёзиб қолдирган асарлари ҳам санаб чиқилган.

Ушбу китоб нафақат ҳанафийлар учун керакли манба, балки бошқа мазҳаб олимлари учун ҳам қўлланмадир. Асар тарихчилар ва хусусан, ҳанафий мазҳаби бўйича тадқиқот олиб бораётган барча олимлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда бу жанрида ёзилган асарларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқали юртимиз олимлари, уларнинг фаолиятлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин ҳамда ислом илмларининг минтақамизга кириб келиш йўлларини аниқлаб тарихий манбалар ва саналарга янада ойдинлик киритилади. Бундан ташқари, ҳанафий мазҳаби ва унинг кириб келишини ўрганиш орқали тарихнинг очилмаган қирраларини кўрсатиш имконияти бўлади.